Ушбу сонда:
2 УЛАР БАХТИМИЗ, СУЯНГАН ТОҒЛАРИМИЗ
3 «ИШОНЧ» ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИ
4 СЎЗАНАДА эртанги кун орзулари

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 10 май, сешанба № 74 (1915)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

***Бу санага муносабатда авваламбор одам зотининг тақдири ва қисмати, фашизм устидан қозонилган ғалабага ҳисса қўшган инсонларни улуғлаш, уларнинг номини абадийлаштириш, бирон одамни ҳам эътибордан қолдирмаслик диққат марказимизда туриши ҳам қарз, ҳам фарз бўлиши шарт. Айнан мана шундай эзгу мақсадларни инобатга олиб, халқимиз, жамоатчилигимиз билан маслаҳатлашган ҳолда, биз 1999 йилдан бошлаб 9 майни юртимизда Хотира ва қадрлаш куни сифатида нишонлаб келмоқдамиз. Бугунги кунда бу қароримиз қанчалик ўринли ва тўғри бўлгани, у нақадар чуқур маъно ва мазмун касб этиб бораётганини ҳис этиш қийин эмас.***

# ХОТИРЛАШ ВА ҚАДРЛАШ - МУҚАДДАС БУРЧИМИЗДИР

***Юртбошимиз Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда 9 майнинг Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилиниши инсон хотираси ва қадрига нисбатан юксак эътиборнинг ёрқин намойишидир.***

***Хотира ва қадрлаш куни бу гал Сиҳат-саломатлик йилида нишонланаётгани, Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 60 йиллигига тўғри келганлиги унинг аҳамиятини янада оширади.***



Бинобарин, Иккинчи жаҳон урушидаги тарихий ғалабани таъминлашда юртдошларимизнинг ҳам жасорат ва хизматлари беқиёс бўлган. Жангу жадалларда жон олиб жон берган минглаб ўзбек ўғлонлари, фронт ортида тунни тонгга улаб меҳнат қилган, ризқу насибасини ўзгалар билан баҳам кўрган меҳри дарё ватандошларимиз матонати ва фидойиликлари ҳеч қачон унутилмайди.

Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганлар хотирасига эҳтиром сифатида чоп этилган, этилаётган китоблар, мамлакатимизнинг турли жойларида ўрнатилган ва ўрнатилаётган ёдгорликлар ҳам бу фикрларни тасдиқлайди. Президентимиз Фармонига кўра Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 60 йиллиги нишонланиши муносабати билан 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронларининг мукофотланиши уларга кўрсатилаётган эҳтиромнинг яна бир ёрқин намойишидир.

Энг муҳими, ёшларимиз онгу шуурида ўтганларни хотирлаш, тирикларни қадрлашдек инсоний фазилатлар тобора мустаҳкам муҳрланмоқда. Зеро, азалий тушунчаларда дарж этилганидек, тарихдан сабоқ чиқариб яшаш, дориламон кунлар йўлида қурбон бўлганлар руҳини шод этиб, юрт аҳлининг қадрига етиб, дуосини олган авлод ҳеч кимдан кам бўлмайди.

9 май куни пойтахтимиздаги Хотира майдони янада гавжум бўлди. Бу ерга уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳукумат аъзолари, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари ташриф буюрдилар.

Майдон узра сокин мусиқа садоси таралади. Жанггоҳларда жон берган ватандошларимиз номлари абадиятга муҳрланган «Хотира китоби»нинг зарҳал варақлари Ватаннинг фидойи ўғлонлари қисматидан шаҳодат беради. Мотамсаро Она қиёфасида изтироб ва аламли, айни пайтда улуғвор умид намоён...

Соат 9.45. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келди.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган минглаб юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этди.

- Мана шундай улуғ кунда халқимиз ўзининг инсоний бурчини адо этиб, жангу жадалларда ҳалок бўлганлар, шу ёруғ, дориламон кунларга етиб келолмаганлар хотираси олдида бош эгади, - деди Ислом Каримов журналистлар билан суҳбатда. - Шу билан бирга, бугун ҳаёт бўлган, орамизда яшаётган уруш қатнашчиларини ҳар қанча қадрласак арзийди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон халқининг Иккинчи жаҳон урушидаги иштироки ҳақида тўхталар экан, қуйидагиларни баён этди:

- Бугун Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 60 йиллик байрами куни, - деди Президент. - Бу ғалаба жаҳон тарихида, ҳеч шубҳасиз, абадий сақланиб қоладиган улуғ бир сана.

Фашизм балосини даф этиш, жаҳон аҳли орзиқиб кутган ғалабани таъминлашда кўплаб халқлар қатори Ўзбекистон халқи ҳам жуда катта ҳисса қўшган. Иккинчи жаҳон уруши фронтларида 1,5 миллион нафар ватандошимиз иштирок этган. Уруш майдонларида ўз Ватанининг эркинлиги ва озодлиги учун, бугун биз кечираётган осуда ҳаёт учун, мусаффо осмонимиз учун жон берган, қурбон бўлган 450 мингдан зиёд ватандошимиз шулар жумласидандир. Бунча одамнинг қурбон бўлганини ўйлаш, фараз қилиш, кўз ўнгидан ўтказишнинг ўзи изтиробли ҳол.

Бу уруш башарият бошига солган чексиз мусибатлар ҳеч қачон унутилмайди. Уруш майдонлари ва фронт ортида миллионлаб одамлар кўрсатган жасорат ва матонат тарихимизда, халқимиз хотирасида абадулабад сақланиб қолади.

Бундай буюк воқеани бутун жаҳон жамоатчилиги катта ҳурмат билан эсламоқда. Лекин бу санани нишонлашдан мақсад, аввало ғалабанинг моҳияти ва аҳамиятини, тинчликнинг қандай буюк неъмат эканини яна бир бор чуқур англаш, одамзодни турли хавф-хатарлардан огоҳ этишдан иборат бўлмоғи лозим. Қолаверса, кишилик тарихида урушнинг бошқа қайтарилмаслиги, бундай даҳшатларни одамзоднинг ҳаётидан бутунлай ўчириб ташлашга даъват этадиган тадбир сифатида қабул қилишимиз керак, деб ўйлайман, деди Юртбошимиз.

Бу санага муносабатда авваламбор одам зотининг тақдири ва қисмати, фашизм устидан қозонилган ғалабага ҳисса қўшган инсонларни улуғлаш, уларнинг номини абадийлаштириш, бирон одамни ҳам эътибордан қолдирмаслик диққат марказимизда туриши ҳам қарз, ҳам фарз бўлиши шарт. Айнан мана шундай эзгу мақсадларни инобатга олиб, халқимиз, жамоатчилигимиз билан маслаҳатлашган ҳолда, биз 1999 йилдан бошлаб 9 майни юртимизда Хотира ва қадрлаш куни сифатида нишонлаб келмоқдамиз. Бугунги кунда бу қароримиз қанчалик ўринли ва тўғри бўлгани, у нақадар чуқур маъно ва мазмун касб этиб бораётганини ҳис этиш қийин эмас.

Хотира ва қадрлаш деганда, биз аввало бу икки тушунчанинг узвий боғлиқ эканини, бугун биз кечираётган эркин ва ёруғ ҳаётни асраб қолиб, Ватан озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойи инсонларни эслаш, уларнинг хотирасини абадийлаштириш, хаёлимизда, фикру ёдимизда мангу сақлашни тушунамиз. Шу билан бирга, биз хотира ва қадрлаш деганда, бугун орамизда яшаб келаётган инсонларни қадрлаш, асраб-авайлаш, ҳаётини, оғирини енгил қилиш, қўлимиздан келадиган барча ёрдамимизни улардан аямаслик, уларнинг олдидаги муқаддас бурчимизни адо этишни назарда тутамиз.

Хотирасиз келажак йўқ. Агар миллат ўзининг порлоқ келажагини кўрмоқчи бўлса, унинг хотираси ҳамиша уйғоқ бўлмоғи лозим. Чунки халқ, миллат кечаги ҳаётидан, ўзи босиб ўтган оғир ва машаққатли кунлардан, тарих синовларидан зарур хулоса ва сабоқлар чиқармоғи даркор.

Ўтганларнинг хотираси олдида таъзим бажо келтириш, инсонни тириклик чоғида қадрлаш биз учун ҳам фарз, ҳам қарз бўлмоғи лозим. Бундай қараш эл-юртимизнинг қон-қонига, суяк-суягига сингиб бориши керак. Мана шундай ҳаётий қараш ва ёндашув, айниқса ҳаётга энди мустақил қадам қўяётган ёшларимиз ҳаётининг узвий қисми бўлиши, барчамиз учун муқаддас қадриятга айланишини истардим, деб таъкидлади Ислом Каримов.

Юртимизни, фарзандларимизни, миллий қадриятларимизни доимо эъзозлашимиз, Ватанимиздаги тинчлик ва барқарорликнинг қадрига етишимиз, уларни янада мустаҳкамлашимиз керак. Халқимиз, айниқса, ёшларимиз ўзлигини англаб боргани сари уларнинг онгида «Биз киммиз, кимларнинг авлодимиз, кимлар билан фахрланамиз?», деган таҳлилий ёндашув чуқурлашиб бормоғи зарур.

Ёшларимиз, заминимизда яшаётган ҳар бир фуқаро қалбида шу юрт, шу халқ билан фахрланиш, унинг келажаги, фаровонлиги йўлида қайғуриш ҳислари чуқур илдиз отмоғи лозим. Фарзандларимиз биздан кўра билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари керак. Улар бугун шиддат билан ривожланиб бораётган ахборот технологиялари имкониятларидан бемалол фойдалана оладиган, ғурури баланд, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлод бўлиб етишишлари зарур.

Ёшларимизни миллий қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш билан бирга уларга замонавий тараққиёт эришаётган ютуқлардан ҳам баҳраманд бўлишларида кўмаклашмоғимиз лозим, деб таъкидлади Юртбошимиз. Айни чоқда, фарзандларимиз халқимизнинг бой тарихини, миллий урф-одатларини, бугун эришаётган ютуқларимизни, шунингдек, адабиёт ва санъатимизни, фан ва маданиятимизни жаҳон узра кенг тарғиб этишда ҳам фаол бўлмоқлари даркор. Бунда замонавий ахборот технологиялари, хусусан, Интернет имкониятларидан самарали фойдаланиш лозим. Зеро, ҳар қандай миллатнинг, халқнинг фарзанди шу миллат ва шу халқни улуғлаши, шу йўлда фидойи бўлмоғи керак.

Кексаларга ҳурмат, меҳр-мурувват кўрсатиш хусусида гапирар экан, Юртбошимиз қуйидагиларни таъкидлади. Қадрлаш, ёрдам-кўмак ҳақида сўз борар экан, бир рақамни келтиришни ўринли, деб биламан. Давлатимиз томонидан уруш қатнашчилари ва фронт ортида меҳнат қилганларга, урушда ҳалок бўлганларнинг оилаларига фақат ёрдам тариқасида, яъни пенсия ва нафақалардан ташқари ҳар йили тахминан 20 миллиард сўм миқдорида ижтимоий ёрдам кўрсатилмоқда. Бундай ёрдам аввало бепул медицина хизмати, санатория ва курортларда даволаниш, протез-ортопедия жиҳозлари, ногиронлар аравачалари ва бошқа тегишли воситалар билан таъминлашга, жамоат транспортида бепул юриш, коммунал хизматлар бўйича компенсациялар беришга қаратилган.

Минг афсуски, уруш қатнашчиларининг сони йилдан-йилга камайиб бормоқда. Халқимизда «инсон ғанимат» деган ҳикматли бир гап бор. Дарҳақиқат, биз учун барча ота-боболаримиз, фахрийларимизнинг ҳаёти ғанимат. Уларнинг умрини узайтириш, ҳар томонлама мазмунли ҳаёт кечириши учун ҳисса қўшиш, бундай эзгу ишларни амалга ошириш, айниқса, «Сиҳат-саломатлик йили» деб эълон қилинган жорий йилда барчамизнинг бурчимизга айланишини истардим, деб таъкидлади Ислом Каримов.

Бу муқаддас майдон, нафақат Хотира ва қадрлаш куни, балки йил бўйи зиёратчилар билан гавжум бўлади. Бинобарин, кишилар бу ерга шунчаки томоша ёхуд сайр учун келмайдилар, ўтганларни ёд этадилар. Бу туйғу бугунги тинч ва осойишта ҳаётни қадрлашга даъват этади. Ушбу майдонга келган ҳар бир инсон қалбида шу табаррук юрт барчамизники, уни ҳар қандай бало-қазолардан сақламоқ, кўз қорачиғидек асраб-авайламоқ ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир, деган эзгу туйғу жўш уради.

Шу куни Мотамсаро она ҳайкали пойи анвойи гулларга бурканди. Юрт озодлиги ва равнақи учун жон фидо қилган ватандошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этиш учун келган зиёратчиларнинг қадами кечга қадар узилмади.

Хотира ва Қадрлаш куни, Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 60 йиллиги бутун мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланди.

* * *

Президент Ислом Каримов шу куни пойтахтимизнинг Мустақиллик майдони ва унга туташ ҳудудларда амалга оширилган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари, барпо этилган янги кўчалар, хиёбонлар билан танишди.

**Норали ОЧИЛОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

# МДҲНИНГ МОСКВА САММИТИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 7-8 май кунлари Россия Федерациясида бўлиб, МДҲга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг норасмий саммитида ҳамда Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 60 йиллигига бағишланган тадбирларда иштирок этди.***

Мамлакатимиз раҳбари сафар олдидан Тошкент аэропортида журналистларга берган интервьюсида МДҲ ҳақида сўз юритар экан, ҳозирги кунда у кўп эътирозларга учраётганига алоҳида эътибор қаратди.

Ҳолбуки, МДҲнинг имкониятлари жуда катта эди ва холисона айтганда, ҳозир ҳам оз эмас. Зотан, уни ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад ўзаро фойдали иқтисодий алоқаларни сақлаб қолишдан иборат эди. Аммо МДҲнинг саммитларида, Ўзбекистон Президенти кўп бор таъкидлаганидек, иқтисодиёт эмас, сиёсат кўпроқ устувор бўлиб келди. Шу боис ҳам қабул қилинган қарорларнинг аксарияти қоғозда қолиб кетаверди. Чунки улар аъзо давлатларнинг манфаатларига бирдек мос бўлмагани, иқтисодий фойда бермагани сабабли амалиётга татбиқ этилмади. Дейлик, Эркин савдо зонаси барпо этиш масаласи бир неча йилдан буён муҳокама этилади, лекин Ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар халқлари ҳали-ҳануз унинг амалий натижасини кўргани йўқ.

МДҲ раҳбарларининг бу галги учрашувида, асосан, ташкилотни ана шу мураккаб вазиятдан чиқариш масаласи юзасидан фикр алмашилди. Ўзбекистон раҳбари тузилмага сиёсий тус беришга уриниш, обрў орттириш учун баландпарвоз ташаббусларни илгари суриш, натижа бермайдиган таклифлар билан ўзини кўрсатишдан фойда йўқлигини таъкидлади. Буни вақт ҳам кўрсатяпти. Шунинг учун ҳам МДҲ фаолиятини ислоҳ қилишни давом эттириш, такомиллаштириш, аъзо давлатлар ўртасида том маънодаги кенг кўламли ҳамкорликни қарор топтириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Президентлар Ҳамдўстлик мамлакатларида юз бераётган жараёнларни, қатор халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик муаммоларни ҳам муҳокама қилдилар.

Саммитда гуманитар ҳамкорлик тўғрисида декларация қабул қилинди.

Москвадаги Большой театрда саммит қатнашчилари -президентларнинг МДҲ мамлакатларидан келган Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари билан учрашуви бўлди. Катта концерт намойиш этилди.

Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабага 60 йил тўлди. Бу уруш инсоният учун жуда қимматга тушгани барчага яхши маълум. Собиқ шўро иттифоқи республикаларидан 27 миллиондан зиёд инсон унинг қурбони бўлган. Тинчлик, озодлик ва тараққиёт учун тўкилган қон ва берилган жонларнинг қадрини бугун ҳамма теран ҳис қилади.

Ўтганлар ёди - азиз. Ўзбекистон раҳбари жанггоҳларда қурбон бўлганлар хотирасини ёд этиш ҳамда омон қайтган, фронт ортида меҳнат қилган инсонларни қадрлаш, бугунги тинч замонда уларнинг ҳурматини жойига қўйиш зарур эканлигини назарда тутиб, 9 майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилганини таъкидлаш ўринлидир.

Президент Ислом Каримов мазкур сана ҳақида сўзлар экан, уни нишонлашда барча сиёсий масалаларни четга суриб қўйиш кераклигини алоҳида таъкидлади.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири**
**Тошкент-Москва-Тошкент**



Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон халқ шоири

# БОҚИЙ ХОТИРА

*Ўйлайман, очилса ҳар йил навбаҳор*
*Мовий кенгликларда алвон лолалар,*
*Булар лола эмас, ёт элларда зор*
*Лолага айланган аскар болалар.*

*Ўйлайман, офтоб уйғониб саҳар,*
*Кунчиқар уфқига тикканда ялов,*
*Бу гулгун шафақмас, осмонга қадар*
*Бевалар оҳидан туташган олов.*

*Ўйлайман, ҳар кеч шамс етса заволга,*
*Борлиқнинг тугамас мотами ростдир.*
*Тун эмас, оналар эгнида қолган*
*То маҳшар ечилмас, қора либосдир.*

*Юр, болам, Майдонга борайлик бугун,*
*Қўлингда дона гул яноғингдек ол.*
*Бу гул сенинг бахтинг, шод кулгинг учун*
*Фидо бўлган бобонг қалбига тимсол.*

*Йўқ, сен ўзинг гулсан, Ватаннинг-чаман,*
*Улғай, асл зотинг унутма сира.*
*Балки, қадр билмак аслида - Ватан,*
*Ватаннинг маъноси боқий хотира.*

# ТОШКЕНТДА КОНФУЦИЙ ИНСТИТУТИ ОЧИЛДИ

***Тошкент давлат шарқшунослик институтида (ТошДШИ) Конфуций номидаги Ўзбекистон-Хитой институтининг очилиш маросими бўлди.***

2004 йилнинг июнида Тошкентда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан Хитой Халқ Республикаси (ХХР) Раиси Ху Цзиньтаонинг учрашуви чоғида мазкур институтни ташкил этиш тўғрисида келишувга эришилган эди.

Мазкур ўқув муассасаси мамлакатимизда хитойшунос мутахассислар тайёрлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Унинг тингловчилари хитой тили, маданияти ва адабиёти билан янада кенгроқ танишиш имкониятига эга бўладилар.

Таъкидламоқ жоизки, ТошДШИда 1977 йилдан буён хитой тили, адабиёти ва тарихи ўқитиб келинмоқда. Бугун ҳам институтда юздан зиёд талаба шу йўналишда таҳсил олаётир. Бу ерда ХХРдан келган ўқитувчилар хитой филологияси асосларидан сабоқ беряпти. Ҳар йили ТошДШИнинг бир неча талабаси Хитой олий ўқув юртларида малака ошириб қайтади.

Хитойда ҳам ўзбек тилини ўрганишга қизиқиш катта. Жорий йилда Пекиндаги Миллатлар марказий университетида ўзбек тили бўлимини ташкил этиш режалаштирилган.

Янги институт икки мамлакат ўртасида таълим ва маданият соҳаларидаги ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиши алоҳида таъкидланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, олий ва ўрта махсус таълим вазири Р.Қосимов, ХХРнинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Гао Юйшен иштирок этди.

**(ЎзА)**

# КЕЛАЖАК САРИ ЭЛТУВЧИ ЙЎЛ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан қурилишлардан бири - Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўлининг иккинчи босқичи - 59 километрлик Қумқўрғон-Бойсун йўли ишга туширилди.

Шу муносабат билан Шарқ ва Ғарб меъморлик анъаналари асосида янгидан бунёд этилган Бойсун темир йўл вокзалида тантанали маросим бўлиб ўтди. Уни Сурхондарё вилояти ҳокими А.Эшмуродов очди. Маросимда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, ҳокимликлар вакиллари, таниқли фан, адабиёт ва санъат намояндалари, темир йўл қурилишида қатнашган ишчи ва мутахассислар, фахрийлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.



Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компанияси бошқаруви раиси Очилбой Раматов ва бошқалар сўзга чиқиб, Юртбошимиз ташаббуси билан бунёд этилаётган мазкур темир йўлнинг тарихий аҳамияти, мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий ҳаётида тутадиган муҳим ўрни, бу борадаги истиқбол режалари ҳақида гапирди.

Мамлакатимиз раҳбари ўтган йили Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларига сафари чоғида ушбу йўлнинг стратегик аҳамияти ҳақида батафсил тўхталиб, қурилиш ишларини янада жадаллаштириш юзасидан тегишли топшириқ ва тавсиялар берган эди. Шундан буён ўтган қисқа вақт ичида катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Хусусан, Бойсун-Қумқўрғон йўналишида йигирма миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди - Қумқўрғон, Тангимуш, Бойсун, Дарбанд, Оқработ бекатлари, Оқжар, Пулхоким, Шўроб, Оқназар разъездлари қуриб битказилди. Қумқўрғон ва Бойсун



темир йўл вокзаллари фойдаланишга топширилди. Янги йўл қурилишида «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси ҳамда бошқа вазирлик ва идораларнинг ўнлаб қурилиш ташкилотлари иштирок этмоқда.

Рельеф жиҳатидан жуда мураккаб тузилишга эга бўлган тоғли ҳудудлар бўйлаб ўтган мазкур йўл мамлакатимизда яхлит ва мустақил темир йўл тизимини яратиш ҳамда жанубий вилоятлар иқтисодини ривожлантиришда, бу ердаги ер ости ва ер усти бойликларини ўзлаштиришда беқиёс аҳамиятга эга. Мазкур темир йўлнинг фойдаланишга топширилиши нафақат конларни ўзлаштириш, хомашёни қайта ишлаш корхоналарига етказишда, балки янги иш ўринлари ташкил этишда ҳам ажойиб имкониятлар очиб беради.

- Қумқўрғон темир йўл бекатининг ўрнида шу вақтга қадар эски бинолар мавжуд эди, - дейди Қарши-Термиз минтақавий темир йўл узели бошлиғининг ўринбосари Отабек Раҳимов. - Тўрт ой давомида бу ердаги эски иморатлар бузилиб, ўрнида замонавий ва кўркам вокзал қад кўтарди.

Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўли Қарши ва Қумқўрғон оралиғидаги поездлар ҳаракатини 184 километрга қисқартиради. Ушбу йўл Ўзбекистоннинг том маънодаги истиқбол йўлларидан биридир.

Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўлини ишга тушириш муносабати билан бўлиб ўтган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**Чори ТЎХТАЕВ,**
**ЎзА мухбирлари**

# ХОТИРЛАШ ВА ҚАДРЛАШ - МУҚАДДАС БУРЧИМИЗДИР

Фармон ва ижро

## УЛАР БАХТИМИЗ, СУЯНГАН ТОҒЛАРИМИЗ

***Ўтганларни хотирлаш, руҳларини шод этиш, кексалик гаштини сураётган отахон ва онахонларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш халқимизнинг азалий қадриятларидир. Уларни улуғлашга давлатимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилиб, нуроний кексаларимизга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда.***

Мазкур йўналишларда Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳам хайрли ишларни амалга оширмоқда. Президентимизнинг «Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 60 йиллиги нишонланиши муносабати билан 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронларини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармони асосида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати ижроия қўмитасининг қарори қабул қилиниб, уруш ва меҳнат фахрийларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатилаётир. Жумладан, куни кеча Кенгаш вакиллари Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фронт ортида хизмат қилган ва тинчлик даврида ҳалол меҳнатлари билан республика ривожига ҳисса қўшган бир гуруҳ фахрийларнинг хонадонларида бўлишди. Уларга пул мукофотлари топширилди. Ўзларига кўрсатилаётган бундай юксак эътибордан фахрийларимиз беҳад миннатдор эканликларини фахр ила изҳор этдилар.

– Биз кўрган кунларни авлодларимиз кўрмасин, – дейди уруш қатнашчиси В.Саидов. – Юрт тинч, кўнгил хотиржам бўлса, ҳар бир ишда унум, ҳар соҳада ривож бўлади. Оилалар бахти, фарзандлар камоли ҳам ана шундан. Биз кексаларнинг эса қўлларимиз доимо дуода. Бизни ёдга олиб, ҳурмат-эҳтиром кўрсатилаётгани учун давлатимизга раҳматлар айтамиз.

Хайрли ишлардан алоқа ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши ҳам четда қолгани йўқ. Кенгаш Ўзбекистон жангчи фахрийлар (байналмилалчилар) бирлашмасига 150 минг сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатди. Бундан ташқари, байрам дастурхони атрофига корхона фахрийлари, байналмилалчи жангчилар таклиф этилиб, моддий ва маънавий қўллаб-қувватланди. Худди шундай тадбир «Ўзбектелеком» акционерлик компаниясининг «Тошкент телеграф телефон станцияси» филиалида ҳам ташкил этилиб, 280 нафарга яқин уруш ва меҳнат фахрийлари эъзозланди.

Ўзбекистон темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшма Марказий Кенгаши «Ўзбекистон темирйўллари» давлат акциядорлик компанияси маъмурияти билан ҳамкорликда Қўқон, Андижон, Самарқанд, Қарши, Урганч, Кўнғиротдаги тармоқ корхоналарида байрам тадбирлари ташкил этди. Компания бошқаруви томонидан уруш қатнашчилари ва ногиронлари, байналмилалчи жангчилар, Чернобил фожеаси оқибатларини тугатишда қатнашган инсонлар рағбатлантирилди. Бухоро темирйўл узелида байрам муносабати билан касаба уюшма ҳудудий қўмитаси соврини учун эркаклар ва аёллар жамоалари ўртасида волейбол бўйича мусобақалар ташкил этилди. Шунингдек, касаба уюшма фаоллари бетоб фахрийларнинг уйларига бориб, ҳолларидан хабар олдилар. Уларга совғалар топширилди.

**М.ЎРМОНБЕКОВА,**
**ЎзКУФК матбуот котиби**



Тошкент вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Кенгаши ҳамкорлигида тармоқда иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва байналмилалчи жангчилар учун ажойиб байрам дастури ташкил этилди. Тадбирга таклиф этилганлар – узоқ йиллар тиббиёт соҳасида меҳнат қилган уруш ва меҳнат фахрийларига алоҳида ҳурмат кўрсатилиб, совға-саломлар топширилди. Эл севган санъаткорларнинг куй ва қўшиқлари байрам тантанасига янада файз бағишлади.

**И.ҲАСАНОВ**
**олган сурат**

## АНДИЖОН ТАЪЗИМИ

Касаба уюшмалари тизимида маданият ва спортни ривожлантириш, унинг оммавийлигини таъминлаш масаласи асосий ўрин тутади. Ўтган йиллар мобайнида мазкур долзарб вазифа вилоят тармоқ касаба уюшмалари Кенгашининг пленум ва раёсат йиғилишларида бир неча бор муҳокама қилинди. Ва уни замон талаблари даражасига кўтариш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди. Ўтган беш йил мобайнида жисмоний тарбия, маданият ва спорт тадбирларига 57 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланганлиги ҳам фикримизни тасдиқлаб турибди. Олтинкўл, Балиқчи, Андижон, Асака ва Марҳамат туманларида бу борада ижобий ишлар амалга оширилганлигини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим.

Агросаноат тизимидаги саноат корхоналарида ишлаб чиқариш гимнастикасини йўлга қўйишда касаба уюшма ташкилотлари ташаббус кўрсатмоқдалар. "Асакадон маҳсулотлари" корхонаси жамоаси "Олтин бошоқ" республика мусобақаларида иштирок этиб, учинчи ўринни эгаллади ва Марказий қўмитанинг дипломи, эсдалик совғаси билан тақдирланди. Олтинкўл туманидаги "Намуна" ширкат хўжалигининг волейболчи қизлар жамоаси, Қўрғонтепа туманининг "Отам, онам ва мен" оилавий жамоаси, Булоқбоши туманининг енгил атлетика бўйича жамоалари Ғазалкент шаҳрида бўлиб ўтган республика миқёсидаги мусобақаларда иштирок этиб фахрли иккинчи ўринни эгаллашди.

Булоқбоши туман тармоқ касаба уюшма кенгаши ташаббуси билан унинг собиқ раиси, марҳум Тожиддин Назаров хотирасига бағишлаб белбоғлик кураш бўйича вилоят мусобақаси ўтказилди. Унда вилоятимизнинг барча туманларидан 200 дан зиёд полвонлар қатнашди. Мазкур тадбир чинакам спорт байрамига айланди.

Шунингдек, вилоят Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Кенгаши томонидан ҳар йили қишлоқ меҳнаткашлари спартакиадасини ташкил этиш анъанага айланиб боряпти. Мустақиллик байрамига бағишлаб уюштирилаётган мазкур спартакиадада спортнинг олти тури бўйича 300 дан зиёд спортчилар қатнашишди. Ғолибларни рағбатлантириш учун 3,5 миллион сўм маблағ сарфланди.

Ҳозирда бошланғич ташкилотлар спортга кенг оммани жалб этиш мақсадида қишлоқ жойлардаги таълим муассасалари стадионларидан, спорт залларидан фойдаланишлари йўлга қўйиляпти. Шунингдек, хўжаликларда мавжуд бўлган спорт майдонларини таъмирлаш учун ҳашарлар, шанбаликлар ташкил этилмоқда. Кенгашимиз тасарруфидаги 17 та болалар ёзги оромгоҳларида ҳам спортнинг қатор турлари бўйича тўгараклар ташкил этилган.

Избоскан, Асака, Қўрғонтепа ҳамда Андижон туман касаба уюшма ташкилотлари бу борада ижобий ишларни амалга оширдилар. "Асакаёғмой", "Хўжаобод - шароб", "Андижонёғмой" ҳиссадорлик жамиятлари касаба уюшма ташкилотлари ўз тасарруфларидаги кутубхона ва маданият уйларида турли тадбирлар, учрашувлар, давра суҳбатлари уюштиришяпти. Яқинда кутубхона ва маданият уйлари ўртасида кўрик-танлов бўлиб ўтди. Избоскан туманидаги Тиллабоев номли ширкат хўжалиги маданият уйи, Шаҳрихон пахта тозалаш заводи, Қўрғонтепа туманидаги "Намуна" ширкат хўжалиги кутубхоналари кўрик-танловда ғолиб деб топилиб, вилоят кенгаши томонидан тақдирланишди.

Республика тармоқ касаба уюшмалари Марказий кенгашининг адабиёт, санъат ва бадиий ҳаваскорлик соҳасидаги кўрик-танловида иштирок этиш давомида ҳам маданий-маърифий ишлар борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Янги-янги талантлар топилди. Вилоятимиздан икки киши Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг лауреати бўлишди.

Шуни ҳам тан олиш керакки, маданий ва маърифий ишларимиз барча ташкилотларда кўнгилдагидек эмас. Меҳнаткашларга маданий хизмат кўрсатиш савиясини оширишга эриша олмаяпмиз. Айрим кутубхоналарда китоб жамғармаси кам. Турли мавзуларда маданий тадбирлар, кўрик-танловлар юксак савияда ўтказилмаяпти. Касаба уюшма фаолларини бу борадаги масъулиятини ошириш, соҳага меҳнаткашларнинг кенг қатламини жалб этиш, улар орасидан адабиёт, санъатга оид истеъдодларни топиш, уларга ҳомийлик қилиб, қўллаб-қувватлаш энг асосий вазифаларимиздан ҳисобланади.

**Р.ЙЎЛДОШЕВ,**
**Андижон вилоят Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Кенгаши раиси**

## ҚАНЧА ЭҲТИРОМ КЎРСАТСАК-ДА ОЗ

***Бутун дунё халқлари каби Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабани таъминлашга юртдошларимиз ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшганлар. Шу боис урушда ҳалок бўлганларнинг хотирасини ёд этиб, юртга соғ-омон қайтиш насиб қилган фахрийларимизга қанча ҳурмат-эҳтиром кўрсатсак-да оз.***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 60 йиллиги нишонланиши муносабати билан 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронларини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармони табаррук инсонларни ғоятда тўлқинлантирди.

Ушбу Фармон асосида Сирғали туман ижтимоий таъминот бўлими томонидан ҳам бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Ҳудудимизда 197 нафар уруш қатнашчилари бўлиб, уларнинг 52 нафари I гуруҳ, 31 нафари эса II гуруҳ уруш ногиронларидир. Айни кунларда уларнинг реабилитация техник воситалари, протез-ортопедия маҳсулотларига бўлган талабларини қаноатлантириш, шунингдек, соғлиқни тиклаш муассасаларига йўлланмалар ажратиш ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, яқинда туман гузарида иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига «1941-1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг 60 йиллиги» юбилей медали, пул мукофоти ҳамда бошқа совғаларни тантанали равишда топшириш тадбирлари бўлиб ўтди.

**З.АЛЛАҚУЛОВА**

Ижтимоий ҳимоя

## ҲЕЧ КИМ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАДИ

***Бўлимимизда Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг ижросини таъминлаш, аҳоли ижтимоий муҳофазасини ташкил этишга қаратилган аниқ дастур ишлаб чиқилган. Ҳудудда 6800 нафарга яқин пенсия ва нафақахўрлар бўлиб, уларга белгиланган тўловлар ўз вақтида етказиб берилаяпти. Туманимизда ёшга доир пенсия олувчилар 4261, ногиронлик нафақаси билан таъминланувчилар 860, боқувчисини йўқотганлар 845 нафарни ташкил этади. Юртбошимизнинг 2005 йил 13 апрелдаги Фармонига асосан жорий йилнинг 1 майидан бошлаб 6732 нафар кишининг пенсия ва ижтимоий нафақалари 1,2 бараварга оширилди.***

Ғалабанинг 60 йиллиги муносабати билан Юртбошимиз Фармонига мувофиқ 46 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига юбилей медали ва бир йўла 20 минг сўм миқдорида пул мукофоти берилди. Туман мудофаа бўлими, ҳокимлик, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари, "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари, корхона, ташкилот ва муассаса раҳбарлари билан ҳамкорликда тарихий байрамга пухта тайёргарлик кўрилди. "Хотира ва қадрлаш" куни олдидан уруш қатнашчилари оилаларидан хабар олиниб, қимматбаҳо совғалар ва озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Оқсоқоллар билан биргаликда Усмон Саидов, Дўстмурод Назаров, Абдусоат Найловов, Нина Белогрицская, Шароф Носиров каби уруш қатнашчиларидан хабар олинди.

Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак. Туман аҳолиси ўртасида пенсия ва нафақаларнинг тарқатилиши, ногиронлар ва ёлғиз кексаларнинг яшаш шароитлари ўрганилди. "Пахтазор", "Ойдин", "Қирқулоч" А. Қодирий, У. Юсупов номли, "Самарқанд", "Гулистон", "Дўстлик", "Байналмилал", "Наврўз" маҳалла фуқаро йиғинлари ҳудудида яшовчи оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи билан танишилиб, мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланди.

Ҳар ойда ҳисобимизда турган давлат таъминотидаги кишиларга 140 миллион сўм миқдорида пенсия ва нафақалар тарқатилади. Тўловларнинг эгаларига вақтида етиб бориши қатъий назоратга олинган. Туман почта-алоқа боғланмаси ва жойлардаги бўлимларининг бу борадаги масъулияти кучайтирилган.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож ёлғиз пенсионер ва ногиронлардан 50 нафари жамоат транспортида имтиёзли юриш ҳуқуқидан фойдаланмоқда. "Нишон-132" очиқ ҳиссадорлик жамияти томонидан уларга бепул йўл кира чипталари тарқатилган.

Ижтимоий таъминот бўлими, Ўзбекистон тадбиркорлар ва ишбилармонлар либерал демократик партияси ташаббуси билан "Хўжаёр ота" фермер хўжалиги ҳомийлигида "Юз билан юзлашганлар" тадбири уюштирилди. Ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронлардан Қурбонмурод Абдуллаев ва Турғун Бўтаевларга фермер хўжалиги ҳисобидан, Бахтиёр Примов, Галина Сарибкян ва Муслима Омонқуловаларга "Маҳалла" жамғармаси ҳомийлигида ногиронлар аравачаси, кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари берилди.

Хайрли ва савоб ишларни амалга оширишда туман ҳокимлиги ва прокуратураси, Талимаржон иссиқлик электр станцияси дирекцияси, Қарши бош канали ва насос станцияларидан фойдаланиш бошқармаси, 97-махсус механизациялашган кўчма жамланма, хўжалик ҳисобидаги ишлаб чиқариш таъмирлаш ва техник жиҳозлаш бошқармаси, давлат солиқ инспекцияси, Ҳамза номли муқобил машина-трактор паркига қарашли фермер хўжаликлари фаолияти эътиборга лойиқ. Улар ёлғиз кексалар, ногиронлар, фахрийлар ва кам таъминланган оилаларни моддий, маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келишаяпти.

"Талимаржон" савдо маркази масъулияти чекланган жамияти раиси Х. Ашуров ҳомийлигида ёрдамга муҳтож ногирон ва ногирон болалар бир пиёла чойга таклиф қилиниб, озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди, ижтимоий таъминот бўлими томонидан инсонпарварлик ёрдами кўрсатилди. Янги Нишон шаҳрида яшовчи вояга етмаган Мурод Жўраевга ногиронлар аравачаси, Талимаржон шаҳрида истиқомат қилувчи Юсуф Бадаловга эшитиш мосламаси олиб берилди.

Бўлим томонидан йил давомида 12 нафар ногиронга аравача, 42 нафар пенсионер ва ногиронларга сиҳатгоҳ йўлланмалари, 15 дан ортиқ ногиронга қўлтиқ таёқ, эшитиш мосламаси ва протез-ортопедия маҳсулотлари тақдим этилди.

**Ф.БУЗРУКОВА,**
**Нишон тумани ижтимоий таъминот бўлими мудираси**

## ҚИЁМАТЛИ ДЎСТИМ, БОРМИСАН!

***Тошкент вилояти Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма кенгашининг Ўрта Чирчиқ туманида бўлиб ўтган тадбири табаррук инсонлар хотирасида узоқ вақт сақланиб қолади. Бир пиёла чой баҳона 130 га яқин уруш ва меҳнат фахрийси дийдорлашдилар. 9 май — Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган ушбу тадбир алоҳида мазмун касб этди. Шу куни қуролдош дўстлар, бир соҳада меҳнат қилиб, эндиликда кексалик гаштини сураётган инсонлар унутилмас хотираларни ёдга олдилар.***



— Касаба уюшмаларига ушбу тадбирни ташкил этгани учун миннатдорчилик билдираман, - дейди Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 85 ёшли Мирзаахмад ота Қурбонов. — Байрам тадбирида 60 йилдан бери учрашмаган қуролдош дўстим Ўрта чирчиқлик Исмоил Боймоқов билан дийдор кўришиш насиб этди. Буни қарангки, мен Ангрендаги «Облиқ» қишлоғида, Исмоил «Бирлашган»да яшаб туриб, шунча йилдан бери бир-биримизни кўрмаган эканмиз.

Тошкент вилоятида 200 нафардан зиёд уруш фахрийлари бўлиб, касаба уюшмалари уларнинг ҳеч бирини ёддан чиқармади. Тадбирда иштирок этган отахон ва онахонларнинг барчаси совғалар билан тақдирландилар. Бетоб фахрийларнинг уйларига бориб, ҳолларидан хабар олинди.

**М.ДАВРОНОВА**

## БАХТЛИ ОИЛА



Иккинчи жаҳон урушидан 604 минг 52 нафар юртдошларимиз ногирон бўлиб қайтишди. Жанггоҳларда олинган жароҳатлар ҳануз битмаган.

Бекобод туманидаги Улуғбек ширкат хўжалигининг «Маллабой» қишлоғида истиқомат қилаётган I гуруҳ ногирони Алижон бобо Сирожиддинов ҳам иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси.

— Уруш нималигини, унинг азоб-уқубатларини бизлардан сўранг, - дейди бобо. Навқирон, айни кучга тўлган йигит эдим. Хилкова станциясидан армияга жўнадим. Чап қўлимдан оғир жароҳат олганимдан сўнг госпиталда даволанишга тўғри келди. Она юртим, жигарларим дея ўлимга неча бор тик бордим. Азобли кунларни эслаш нақадар оғир. . .

Урушдан кейинги йилларда А.Сирожиддинов қишлоқ хўжалик соҳасида меҳнат қилди. Гидротехник, механик, бўлим бошқарувчиси вазифаларида ишлаб пахта етиштиришга ўз ҳиссасини қўшди. Айни чоғда у ёш авлодни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида ибратли ишларни амалга ошираяпти.

У 70 нафар невара, чевара ва эвараларнинг севимли бобоси. 5 ўғил, 5 қизи оғушида бахтли ҳаёт кечираяпти.

Алижон бобо 87 баҳорни қаршилаган бўлсаларда, бардам ва тетик. Меҳнатсиз туролмайди. Фарзандлари ҳам эл ишига камарбаста. Қариндош-уруғлар бу хонадонга тўпланишса, тўй бўлиб кетади. . .

**Т.УСМОНОВ**



Табаррук кишилар хонадонида

## АВВАЛО ТИРИКЛИК ЧОҒИДА ЙЎҚЛАЙЛИК

***Лаънати уруш инсоният бошига не-не азоб-уқубатларни солмади. Унинг жабр-жафоси Ўзбекистонимиздаги бирон-бир хонадонни четлаб ўтган эмас. Орадан анчайин вақт ўтган бўлса-да, ўша даврдаги машъум йўқотишлар ҳамон дилларимизни зирқиратиб турибди.***

96 баҳорни қаршилаган уруш қатнашчиси, биринчи гуруҳ ногирони Рихсибой ота Бойматов ҳам оловли йиллардаги қонли жангларда иштирок этиб, мардлик, қаҳрамонлик кўрсатганлардан. Унинг ёшлиги Заркентнинг сўлим гўшаларида ўтди. Тоғ ёнбағридаги қишлоқда пода боқди, деҳқончилик қилди. Ҳаётда кутилмаган воқеалар бўлиб тураркан. У 16 ёшида ҳам отадан, ҳам онасидан жудо бўлди. Умргузаронлик қилиш, бир бурда нон топиш илинжида Тошкент вилоятининг ҳозирги Зангиота туманига келиб қолди. Хўжаликда асл миришкорлар сафида ишлаб, мўл-кўл ноз-неъмат етиштирди. Умринисо исмли меҳнатсевар қизга уйланди. Бироқ, уруш бахтли оиланинг орзуларини чил-чил қилди.

– Душман билан бўлган жангларда ўзбек ўғлонлари чинакам матонат, жасорат намуналарини кўрсатдилар, - дея эслайди Рихсибой ота. – Негадир қуршовда қолиб, оч-наҳор эзилган кезларни кўп эслайман. Қуролдошларимни очликдан қутқариш учун яланглик томон эмаклаб кетдим. Бир маҳал картошка экилган пайкални пайқадим. Аскарларни бундан хабардор қилиб, картошка кавлашга тутиндик. Шу тариқа катта муаммони ҳал этиб, олға ташландик.

Жангдан-жангга кириб яраландим. Даволангач яна хизматни давом эттирдим. Охири разведкачилар командири сифатида эътибор қозондим.

Эсон-омон она қишлоғимга қайтганимда оила аъзоларим тўрт ёшли ўғлим Азимжон билан кутиб олишди. Ўзимни меҳнатга урдим. Бригада бошлиғи сифатида сархил сабзавот неъматлари етиштириш, янги боғлар ташкил этишга муносиб ҳисса қўшдим...



Бугунги кунда Рихсибой ота хонадонига ҳамқишлоқлари, қадрдонлари ташриф буюришмоқда. Улар табаррук инсонни йўқлаб, иззат-ҳурматини жойига қўйишмоқда. Уруш ва меҳнат фахрийсига совға-саломлар топширилаяпти.

– Давлатимиз раҳбарининг 1994 йил 16 мартдаги Фармонига биноан, урушга сафарбар этилган ҳар бир ватандошимиз ҳақида аниқ маълумотлар жамланиб, 34 жилддан иборат «Хотира китоби» нашр этилганлиги ғоятда улуғ иш бўлди, - дейди сўзининг охирида отахон. – Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 60 йиллик байрамининг мазмун-моҳияти «Хотира ва қадрлаш» сўзларида ўзининг теран ифодасини топган. Фикримча уруш қатнашчилари ва ногиронларининг махсус юбилей медали ва пул мукофоти билан тақдирланиши Истиқлол даврида уларни қадрлаш борасида амалга оширилаётган улуғ ишларнинг узвий давомидир.

**Р.ОРИПОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

